

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Миозо Улуғбек номидаги ЎзМУ ҳузуридаги
педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш Минтақавий маркази
директори _____Ф.Эсанбобоев
“ _____ ” _____ 2015 йил

**“ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-
УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИННОВАЦИОН
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент – 2015

Модулнинг ишчи дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 201 йил _____ -сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Р.С.Самаров – фалсафа фанлари доктори, психология фанлари номзоди, профессор

Такризчи:

В.Топилдиев – юридик фанлар номзоди, доцент

“Олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модулининг мақсади:

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, педагогик муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш ва уларни бартараф этиш йўллари ва механизмларини ўргатиш.

“Олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модулининг вазифалари:

- Тингловчиларга педагогик бошқарувнинг методологик асослари ҳақида ахборот етказиш;
- Тингловчиларга Бошқарув турлари ва уларнинг таснифини илмий назарий таҳлилини етказиш;
- Бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини реал педагогик вазият мисоли ёрдамида тингловчиларга етказиш;
- Педагогик бошқарув тараққиётининг асосий босқичлари ва уларнинг даврийлиги ҳақида аниқ тасаввур шакллантириш;
- Мустақиллик йилларида мамлакатимизда педагогик бошқарув соҳасида яратилган технологиялар ҳақида маълумот бериб, мақбул намуналарини ўргатиш;
- Педагогик низоларни юзага келиш сабаблари, кечиш босқичлари ва турлари ҳақида тингловчиларга илмий тасаввурни шакллантириш;
- Педагогик фаолиятда копинг хулқ ҳамда уни педагогик фаолиятда аҳамиятлилик даражасини асослаб бериш ва техникасини ўргатиш;
- Демократик жамият ривожланишини таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган назарий-концептуал масалаларини, бу жараёнда таълим-тарбия ролининг ошиб бориши, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларнинг замирида турган Замонавий педагогик психологик портретини таркибий қисмлари ҳақида мулоҳазалар юритишдан иборат.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги тўртинчи блок фанлари ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга, педагогик фаолиятни тизимли тарзда такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

“Олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” жамият ҳаётини раванқи йўлида амалий аҳамият касб этаган таълим-тарбия билан шуғулланувчиларни педагогик фаолиятини такомиллашуви учун хизмат қилиб, таълим-тарбия ва педагогик фаолият масалаларига бағишланган мавзуларни ўргатади. Бунда, жамият томонидан буюртма сифатида намоён бўлаётган таълимий масалалар илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган концептуал ғоялар асосида баён этилади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
				Назай	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Таълим тизимини модернизациялаштиришнинг назарий-методологик асослари			2			
2.	Замонавий таълимни ташкил этишнинг технологиялари				2		
3	Миллий тараққиётни таъминлашда билм ва ахборотнинг роли				2		
4	Таълимий ахборот ва уни саралаш механизми				2		
	Жами – 8 соат	8	8	2	6		

МАЪРУЗА МАТНИ

1-МАВЗУ: Таълим тизимини модернизациялаштиришнинг назарий-методологик асослари. (2 соат назарий)

Калит сўзлар: ўқув-услугий фаолият, модернизация, модернизация назарияси, технология, ноанъанавий таълим, когнитив/интеллектуал қобилиятлар, электрон почта технологияси, компьютерли ўқитиш (таълим бериш) дастурлари, интернет – технологиялари, Web – технологиялар ва бошқалар.

Режа:

1. Ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялашни назарий ва амалий масалалари.

2. Таълим тизимини модернизациялашувини таъминлашда педагогик такт.

3. Ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш жараёнига оид таълимотлар.

Бугунги кунда “**Модернизация назарияси**” таълимоти доирасида “Қисмли модернизация”, “Модернизацияни инқирозли синдроми” сингари концепциялар яратилган бўлиб, модернизациянинг концептуал модели мавжуд эмас.

Ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш масаласи миллий тараққиёт стратегияси билан боғлиқ масала ҳисобланиб, бундан кўзланган мақсад жаҳон меҳнат бозори учун рақобатбардош миллий кадрларни тайёрлаш, жамият тараққиётини соҳавий таъминлашни миллий талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Ёш авлодни тарбиялаш ва касбий камолотини таъминлаш миллий манфаатлар тизимида стратегик аҳамиятлик даражаси юқори эканлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли 2011 йил 20 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–1533-сонли қарори эълон

килинди. Қарорда ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш масаласи миллий манфаатлар тизимидаги масала эканлиги ва жамият ҳаётини такомиллашуви бевосита таълимнинг сифатига боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилганлиги ва профессор-ўқитувчилар олдида таълим бериш масаласига таълимий технологиялардан фойдаланишни тақозо этади.

Таълим тизимида технологик инновацияларни тез суръатлар билан ривожланиши таълим жараёни учун технологияларни танлаш масаласини янада долзарблаштирмоқда. Гарчи назарий жиҳатдан технологиялар¹умумпедагогик (таълим муассасаси ва минтақада таълим жараёнини тавсифлайди), хусусий (аниқ предметни ўқитиш методикасини тавсифлайди), локал (дидактик ва тарбиявий вазифаларни тавсифлайди) кабиларга ажратилсада, таълим манфаатларини инобатга олган ҳолда уларни танлаш лозим. Мазкур масала таълим фалсафаси, педагогика ва таълим психологияси каби соҳа мутахассисларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Аммо, замонавий таълим талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимий ахборот ва билимларни узатишда самарали натижаларни таъминловчи тамойилларга эътибор қаратган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Айнан шу ёндашув, анъанавий ва ноанъанавий таълим бериш даражасида ажралиб туради. Анъанавий таълим, яъни жадваллар тузиш, далилларни ёдлаш ва қайтариш кабилардан таркиб топган бўлиб, бунда билим ва таълимий ахборотлар узатишда қуйидаги жиҳатлар ажралиб туришини кўрсатиб ўтамиз, булар:

- узатилаётган билим ва таълимий ахборот таълим олувчининг хотирасида узоқ муддат сақланмаслиги ва амалиётда қўлланмаслиги;
- билим ва таълимий ахборотни таълим олувчи томонидан ўзлаштириш жараёнини қийин кечиши ва бошқалар.

Анъанавий тарзда таълим бериш, қамрови жиҳатидан маҳдудланган (чекланган) бўлиб, иккиламчи масалаларга кўп вақт сарфлашни талаб этади. Натижада, таълим олувчи “қолип”га тушиб қолади. Бу ўз навбатида таълим

¹Технология (юн.teaching) санъат, усталик, моҳирлик деган маъноларни англатади.

берувчини ҳам қийин вазиятларга солиб қўяди. Чунки, таълимнинг мақсади шахс-мутахассисни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу хусусда К. Роджерс(1902-1987) “Таълимнинг мақсади шундай инсонлар шахсини тарбиялаб ва ривожлантириб беришдан иборатки, улар ўзгаришларга мослашиб, билим олиш учун қай тарзда таълим олишлари лозимлигини билишлари лозим” деб кўрсатиб ўтган.

Ноанъанавий таълим беришда эса, таълим олувчи учун олинаётган билим ва ахборот нима учун керак, уни қаерда қўллаш мумкинлиги асослаб беради. Бунда,

- таълим олувчининг ахборотни билим шаклига келтириши осон кечади;
- таълим олувчининг шахсини жалб этиш рағбатлантиради ва унинг хулқига таъсир кўрсатилади.

Фикримизча, ноанъанавий таълим, когнитив/интеллектуал қобилиятлар доирасидан чиқиб, яхлит шахсни қамраб олади. Бу ўз навбатида таълимий ахборот/билимларни яхлит тарзда идрок этиш ва тез суръат билан ўзлаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, биринчидан, таълим жараёнида ахборот технологиялари фақатгина таълим-тарбия мақсадини амалга оширишда хизмат қилгандагина ижтимоий мазмун касб этади. Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан қиммат ва замонавий бўлган технологиялар таълим натижаларининг самарадорлигини таъминлай олади, иккинчидан, восита сифатида унча қиммат бўлмаган технологиялар таълим беришаамалиётида самарали натижага эришишда восита бўла олади, учинчидан, таълим технологияларини танлашда, максимал даражада таълим олувчиларнинг хусусиятларини инобатга олиб, таълим предмети ва бажарилиши танланган машқларнинг турларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Шу сабабли бўлса керакки, Т.Молодиченко таълимий технологияларни самарадорлигини

инобатга олган ҳолда уларни гуруҳларга ажратиб, сараларини акмегуруҳлар деб кўрсатиб ўтган²:

- биринчи гуруҳга санъатнинг турли соҳаларида қўлланиладиган ва акмеологияда (фан сифатида) ўзлаштирилган технологияларни киритган;
- иккинчи гуруҳга акмеологиянинг (фан сифатида) манбалари (ёш ва педагогик психология, педагогика, ижтимоий психология, психотерапия, синергетика, биология, тиббиёт шу жумладан хусусий таълим услублари ва б.) ва фанда қўлланиладиган технологияларни киритган;
- учинчи гуруҳда акмеология фанининг доирасида яратилган ўлчов бирлигига эга бўлган ва коррекциявий-ривожлантирувчи услубларни (бунга турли соҳаларининг акмеологик технологияларини киритиш мумкин. Масалан, социоакмеологик) киритган.

Биринчи гуруҳ технологиялари, таълим олувчиларнинг фаоллашувини таъминлаб, уларни педагогик жиҳатдан рағбатлантириш учун хизмат қилади. Бунда, ўйин тарзида драмалаштириш, касбий мавзулар доирасида лавҳалар тузиш, адабиёт ва санъатда соҳавий билимдонликни ошириш мақсад қилиб олган бўлади.

Икинчи гуруҳ технологиялари ҳам таълим олувчиларни фаоллаштириб, ўзларини намоён этишларини таъминлаш учун хизмат қилади. Бу гуруҳга мансуб бўлган технологиялар жуда кўп, аммо кўп тарқалганларидан ижтимоий сезувчанлик тренинги ҳисобланиб, у социология, ижтимоий психология, соционика, психотерапияда (В.Райх услуби бўйича) қўлланилади ҳамда имитацион ўйинлар, “ақлий ҳужум” ва кейс-стади технологияларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Учинчи гуруҳ технологиялари, бу бевосита таълим жараёнида қўлланиладиган, таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг камолотини таъминловчи акметехнологиялар ҳисобланади. Бунда, ностандарт, муаммовий вазиятларни яратиш ва ечимини топиш учун касбий ва ролли

²Молодиченко Т. А. Социоакмеологическая ориентация вузовского образования // Учебное пособие для студентов. -Саратов. 2004. - С. 8-10.

ўйинлар уюштириш, тренинглар сюжетларини тайёрлаш, касбий лойиҳалар тайёрлаш ва ҳимоясини амалга ошириш, “ақлий ҳужум” ўтказиш, танловлар ўтказиш ҳамда мутахассиснинг маънавий камолоти, ҳаёт мазмуни мавзуларида иншо ёзиш каби технологиялар ҳисобланади. Бунда “Мақбул кадамлар” технологиясини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, фанлараро касбий ҳамкорлик технологияси ҳам мавжуд бўлиб, бунда ўрганилаётган муаммони турли фанлар ва ихтисосликлар даражасида ўрганиш, бинар (юн.binarius- икки қават, кўш, яъни икки киши томонидан маърузалар ўтиш) маърузалар ўтказиш, турли фан соҳасининг вакиллари илмий-касбий маслаҳатлари, тизимли-манتيкий маслаҳатлар ўтказиш, илмий мунозаралар ўтказиш кабилардан таркиб топган бўлади.

Манбаларнинг таҳлили ва педагогик фаолиятни қиёсий таҳлилининг натижаси сифатида шуни кўрсатиб ўтиш мумкинки, кўрсатилган акметехнологиялардан кўп қўлланиладигани (% ҳисобида) қуйидагилар ҳисобланади:

1. Муаммовий тарзда таълим бериш. Таълим олувчиларни олган билим (ахборот)ларини мустақил тарзда белгиланган муаммони ҳал этишда қўллаб, ечим механизми ва йўлини белгилаб олиш учун қулайдир;

2. Лойиҳалаштириш асосида таълим бериш. Таълим олувчилар муаммони ҳал этишда ижодий ёндашиб, турли ечим йўллари белгилаб олишлари лозим бўлади. Бу жараёнда таълим берувчи маслаҳатчи сифатида иштирок этиб, таълим олувчиларга йўл кўрсатади, аммо уларнинг фаолиятини фаол тарзда бошқаролмайди;

3. Режалаштириш асосида таълим бериш. Таълим олувчиларни онгли ва самарали фаолият юритишларини таъминлаш мақсадида мақсадни шакллантириш, фаолиятга киришиш учун таълим олувчи ўзининг фаолиятини ташкил этиб, таълим олувчиларнинг билимини долзарблаштиришга қаратилгандир;

4. Фанлараро интеграция асосида таълим бериш. Таълим олувчига маълум касбий билимларни шакллантириш мақсадида ижтимоий-гуманитар

ва махсус предметларни ўқитишда касбий билимларни етказиб, ижтимоий етуклик ва муҳим касбий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Педагогик вазиятларнинг таҳлили ҳамда педагогик фаолиятни мажмуавий шарҳи асосида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай технологияларни қўллашдан қатъий назар ахборот омилининг иштироки муҳим ҳисобланади. Бунда, таълимий ахборотлар назарда тутилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, “Ахборот, илмий категория ҳисобланиб, нафақат борлиқни умумий шакллари ёки уларнинг алоқадорлигини сабабий боғлиқлигини қайд этади, балки табиат ва жамиятда ифодаланадиган ҳодиса-воқеаларни билишда (ўрганишда) қуйидан юқорига ривожланишнинг етакловчи омили ҳисобланади”³. Таълим жараёнида билиш соҳасига тааллуқли бўлган масалаларни ахборот воситасида етказилади. Агарда, педагогик фаолиятнинг вазифавий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини (жумладан: дунёқарашни шакллантириш, ҳаёт тарзини ўргатиш, касбий билим бериш ва б.) инобатга олсак, ҳар қандай таълимий ахборот аниқ манбага таянган ҳолда етказилади. Шунинг учун, педагогик фаолиятда ахборот манбаларининг иккита асосий тури мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин, булар:

- бирламчи манбалар;
- иккиламчи манбалар.

Бирламчи манбалар деб, дунёни англаш, ижодий ва ахборий фаолият жараёнида далилларни аниқлаш, шарҳлаш, улар ўртасидаги алоқадорликни белгилаш ҳамда аниқланган ижтимоий қонуниятлар, гипотеза ва концепциялар кўринишидаги натижаларни ўзида мужассам этган турли кўринишдаги моддий ташувчиларга нисбатан айтилади.

Иккиламчи манбалар деб, асосий контекстдаги (яъни, бирламчи манбадан) ахборотни аниқ мақсад асосида шарҳини, талқинини, таснифини амалга оширган, турли шаклдаги моддий ташувчига айтилади.

³Самаров Р, Саттаров Ё. Ахборот маданияти ва уни шакллантиришнинг назарий-амалий аҳамияти. //Замонавий таълим журнали. 1 – сон, 2014. – Б. 13 17.

Кўриниб турибдики, таълимий ахборотни манзилга, яъни таълим олувчига етказиш ўз механизмига эга бўлиб, бунда ахборот технологиялари амалий аҳамият касб этади. Таълимий фаолиятда қўлланиладиган ахборот технологияларининг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин, булар:

- электронпочта технологияси;
- компьютерли ўқитиш (таълим бериш) дастурлари;
- интернет–технологиялари;
- Web–технологиялар ва бошқалар.

Электрон почта технологияси ўқув ҳамкорликни таъминлаш учун қулай ҳисобланиб, таълим олувчи ва таълим берувчилар ҳамда таълим олувчи ва таълим олувчи орасида мавзувий (машқ, ўқув манбалари билан ишлаш ва б.) мунозара юритиш ва фикр алмашинуви учун қулайдир. Бунда моделлаштирилган ва моделлаштирилмаган, очик ва ёпиқ почта орқали конференциялар ўтказиш мумкинлигини кўрсатиб ўтамиз.

Шу аснода, ёпиқ компьютерли конференциялар умуммунозараси ёки иштироки учун мўлжалланмаганлигини, фақатгина мутахассисларга йўналтирилганлигини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Таълим муассасаларида таълим жараёнида бу технологияларни қўллаш бир қатор қулайликларга эга бўлиб, мавзу юзасидан мунозара жараёнини бошқараётган мутахассис(модератор)га боғлиқдир. Унинг касбий маҳорати, курснинг мақсади асосида шакллантирилган вазифаларни бажаришини таъминлайди.

Компьютерли ўқитиш (таълим бериш) дастурлари гиперматнли, мультимедиали, интеллектуал каби тарзларда амал қилиб, асосан икки хил тарзда ўқитиш учун мўлжалланган бўлади. Булар, ахборот-маълумотнома ва назоратли-ўқув.

Web – технологиялар эса, ўқув курсларини навбатдаги (янги) моделига, ўқув парадигмаларига етказиш учун хизмат қилади. Web – технологияларнинг асосий турларига интеграциялаштирилган таълимий

мажмуаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкинки, мзкур функционаллиги жихатидан ажралиб туради.

Кўриниб турибдики, **ПҚ–1533-сонли қарорда белгаланган масалалар бевосита** профессор-ўқитувчиларнинг касбий (педагогик) фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу ўз навбатида билим, ахборот, таълим бериш масаласига ижтимоий, маданий ва маърифий соҳаларда намоён бўлаётган таҳдидларни инобатга олган ҳолда ёндашишни тақозо этади.

Ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш жараёнига оид айрим таълимотлар:

“Таълим ва таълим олувчининг психологик ривожланиши (камолоти) мутаносиблигини таъминлаш”;

“Билимнинг ўзлаштириш жараёнини бошқариш”;

“Таълим жараёнида назоратни амалга ошириш”;

“Ўқув фаолиятининг мотивацияси ва уни ривожлантириш”;

“Таълимнинг тарихи ва назариясини боғлиқлигини таъминлаш”;

“Ўқув фаолиятини структуравий-функционал таҳлилини амалга ошириш”;

“Узлуксиз ва мустақил таълимда фаолиятли ёндашувни таъминлаш”;

“Муҳим касбий сифатларини шакллантириш”;

“Ахборотни билим шаклига келтириш техникасини шакллантириш”

ва б.

Олий таълимни модернизациялашдан кутилган мақсад, таълим бериш жараёнини замонавийлаштиришдан иборат бўлиб, янги технологиялардан фойдаланиш ҳисобланади. Бу ўз навбатида, олий таълим тизимида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларни касбий камолотини таъминлашни тақозо этади. Шу боис, таълим тизимида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар учун **“Мақбул қадамлар”** технологиясини тавсия этамиз. Бунда, ҳар бир шартли қадам, касбий камолотни сифат таъминотиغا эришиш учун хизмат қилиб, асосан индивидуал ёндашувни тақозо этади.

- **Биринчи қадам, педагог томонидан муаммони(1) белгилаб олиниши.** Педагогик жараёнда ифодаланган, қийинчиликлар баҳоланиб (“5” балли мезон бўйича), муаммо нимада ёки қайерда эканлиги аниқланади.

Бунда:

“5 балл. Таълим бериш методикасига тааллуқли (аниқ мавзу бўйича тайёргарлик)”;

“4 балл. Педагогнинг шахсига тааллуқли (масалан кайфият, агрессивликни юқори ифодаланганлиги, деструктив “Мен”ни шаклландирилганлиги) хусусиятлар”;

“3 балл. Жамоага тааллуқли (андрогогик хусусиятлар, низоли вазиятлар)”;

“2 балл. Касбий сифатларга тааллуқли (касбий онг, педагогик компитентлик)”;

“1 балл. Техник омилларга тааллуқли (дарсни ташкил этиш, мавжуд шароитлар)”.

1. Муаммо: -услугий, илмий, ташкилий, техник, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, ахлоқий, маданий, тиббий, вазиятли бўлиши мумкин.

- **Иккинчи қадам, реал педагогик мақсадни шакллантириш.** Бунда, педагогнинг мақсади аниқ ва равшан шакллантириб, педагогик жараёнга жалб этганлар учун (педагогик жамоа, талабалар жамоаси, оналар кенгаши ва б.) ўз фаолиятининг мақсади баҳоланади. Баҳо, “қониқтиради” ва “қониқтирмайди” мазмунида белгиланади.

- **Учинчи қадам, педагогик фаолиятда муваффақият мезонларини белгилаш.** Педагог, ўзининг фаолиятида амалга оширадиган ҳаракатларини қанчалик мазмундор эканлигини билиб олиши, педагогик фаолиятининг маҳсулдорлигини таъминлайди. Гоҳида, бу кўрсаткич педагогик мақсадни шакллантирганда ҳам намоён бўлиши мумкин. Агарда бундай бўлмаса, баҳолаш мезонини белгилаб олиш тавсия этилади. Бунинг учун, қуйидагича ёндашиш мумкин:

- педагог, ўзининг касбидан қанчалик қониққанлигини баҳолаши лозим (“қониқтиради” ёки “қониқтирмайди” тарзида);

- педагог, ўзининг фан доирасида талабаларни дарс мазмунидан қанчалик қониқиш ҳосил қилганлигини аниқлаши лозим (талабалар “қониқди” ёки “қониқмади” тарзида);

- педагог, касбий фаолиятининг натижаларидан кутишларини белгилаб, унларга етганлигини баҳолаши лозим бўлади.

▣ Тўртинчи қадам, педагогик ахборотни жамлаш.

Педагогик муоаммони ҳал этиш учун, уни келиб чиқиш сабаби, кечиши, таъсир кўрсатиш даражаси ва омилларини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун педагогик ахборотларни жамлаш лозим бўлади. Масалан:

L-ахборотлар ((Life record data) кузатув асосида алоҳида воқеа-ҳодиса, инсон ва унинг ҳаёти ҳақида маълумотларни жамлаш);

Q-ахборотлар ((Questionnaire data) ўзини-ўзи баҳолаш услублари асосида олинган маълумотларни жамлаш. Масалан, “Ўз касбий фаолиятини баҳолаш” тести асосида);

T-ахборотлар ((Objective test data) объектив тестларнинг натижаси. Масалан, интеллект тестлари, қобилият тестлари ва б.).

Бешинчи қадам, педагогик ахборотларни таҳлил этиш.

Жамланган барча ахборотлар сабаб ва оқибат боғлиқлигида таҳлил этилади. Унинг натижасида, педагогик муоаммони ечимининг муқобил йўли белгиланади. Бунда, педагог ўз олдида “Нима учун?”-деган саволни қўяди. Жавоблар натижаси асосида шахсий фаолият режасини тузади. Унда, мақсадли ҳаракатларни амалга ошириш учун аниқ йўл ва техникалар белгилаб олинади.

Олтинчи қадам, амалий ҳаракатлар тартиби.

Юқоридаги режада белгиланган йўллар (тартиби) учун услублар танланиб, педагогик муоаммони бартараф этиш мақсадида амалий ҳаракатлар бажарилади. Унинг оқибатида, педагогнинг ўзи ва педагогик жамоа олдида таълимий вазифа ва мажбурятлар долзарб бoлашади.

Еттинчи қадам, ҳаракатларни такомиллатириш

Педагог томонидан касбий мақсадга эришиш учун бажариладиган амаллар турли педагогик вазиятларни инобатга олган ҳолда қиёсланади. Бунинг натижасида, ҳаракатларнинг муқобил вариантлари, педагогик фаолият манфаатлари ва вазият инобатга олинган ҳолда мақбул бўлган вариант танлаб олинади. Педагог ва жамоанинг вазифаларига ўзгартиришлар киритилади.

Саккизинчи қадам, акмеодаражага чиқишни таъминлаш.

Мавжуд барча ресурслар белгилаб олиниб, улардан фойдаланиш даражасини баҳолаш лозим бўлади. Етарлича фойдаланилмаган ресурслардан фойдаланишнинг мақсади, йўллари белгиланиб, уларни қўллаш манзили, вақти, тартиби ва назорат тури белгилаб олинади. Амалий ҳаракатларга ўтилади.

Ўз-ўзини баҳолаш саволлари:

1. “Педагогик жамоа - Педагог”, “Педагог – Ўқитувчи”, “Талаба – Педагог – Оила” каби тизимларнинг таснифланг.
2. “Мақбул қадамлар шарҳи техникаси”нинг моҳияти нимада?
3. Педагогик бошқарувда ахбортларни ўрнини қандай баҳолайсиз?
4. Педагогик бошқарувни қандай моделларини биласиз?
5. Педагогик тизим деганда нимани тушунасиз?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Тингловчиларга амалий машғулотлар тренинг тарзида ўтказилади.

Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати:
Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.// Олий

Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маъруза.

19. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиши сари. 18-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2011. – 280 б.

20. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

21. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2011. – 320 б.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига тинчлик ва омонлик керак. Т.21. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

23. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар-биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 сентябрдаги “Миллий ахборот-коммуникация тизимларининг компьютер хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги ПҚ-167-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 апрелдаги “Ўзбекистон республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-614-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Асосий адабиётлар:

1. Брылева У. В. Психологическая поддержка профессионально-личностного развития педагога в условиях инновационного образования // Дисс ... к. психологических наук. - Самара, 2014.

2. Володина Т. В. Психолого-педагогическая модель развития жизнестойкости педагога: диссертация ... кандидата психологических наук . - Ульяновск, 2014.

3. Колесникова И.А. Педагогическая реальность: опыт межпарадигмальной рефлексии. Курс лекций по философии и педагогике. - СПб., 2001.
4. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал. – М., 1994.
5. Новак Д., Канас А. Теория построения и практика применения карт понятий.
<http://cmap.ihmc.us/Publications/ResearchPapers/TheoryCmaps/TheoryUnderlyingConceptMaps.htm>).
6. Рыданова И.И. Педагогические конфликты: пути преодоления: учебное пособие для студентов педагогических специальностей вузов. - Минск, 1998.
7. Садриддинова Д. Шахс тоифаси ва касб: ижтимоий–психологик жабҳа // Ж. Замонавий таълим , 7 – сон, 2013. – Б. 27–30.
8. Самаров Р., Садриддинов С. Баркамоллик тизимида касбий лаёқатлилик // Ж. Замонавий таълим. 2013, 6-сон.
9. Тухтарова И. В. Копинг-стратегии, механизмы психологической защиты и психосоциальная адаптация больных с ВИЧ-инфекцией // Диссертация кандидата медицинских наук. - Ульяновск, 2003.
10. Фозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 - сон– Б. 69 – 73.
11. Щекин Г.В. Визуальная психодиагностика // Познание людей по их внешности и поведению. - Киев, 1995.

**Модуль: “Олий таълим тизимида ўқув жараёни
ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш
ва инновацион таълим технологияларини
жорий этиш”**



Фалс ф.д., психол. ф.н., проф. Самаров Р. 25.02.2015.



Режа:

- 1. Ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялашни назарий ва амалий масалалари.**
- 2. Таълим тизимини модернизациялашувини таъминлашда педагогик такт.**
- 3. Ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш жараёнига оид таълимотлар.**

Нуқтаи назар

Ишонч билан аниқ шох бўлиб зояга
етишининг ир а, мухитга,
тарбиянинг таъсирига боғлиқ бўлади.

Шунинг эkan, педагогик фаолиятда замонавий
технологияларни қўллаш баркамол

авлодни тарбиялаш каби шарафли

вазифани бажариш жараёнининг

самарадорлигини таъминлаш учун

хизмат қилишини инобатга олиш лозим.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги

сонли қарорида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни
модернизациялаш(1) масалаларини кўриб чиқишдан олдин,
модернизация тушунчасига оид муносабат билдирамиз.

Модернизация жараёни кўлами жиҳатида ва
даражаларда кечиши мумкин ва мазкур масала билан
“Модернизация назарияси” шуғулланади. даражада
модернизация жамият ҳаётининг барча соҳаларини яхлит тарзда
камраб олиб, бунда иқтисодий соҳа модернизацияси, ижтимоий соҳа
модернизацияси, сиёсий соҳа модернизацияси ва маданий соҳа
модернизацияси қабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар
бири аниқ соҳада амал қилиб, мақсад ва вазифалари,
амал қилиш (жорий этиш) муддатига эга бўлади. Микро даражада
эса, модернизация аниқ бир объектни замонавийлаштириш
мақсадида амалга ширилади.

1. Модернизация (французча “Modernizer”) “замонавийлаштириш” деган маънони
англади.

Бугунги кунда “Модернизация назарияси” доирасида сингари концепциялар яратилган бўлиб, модернизациянинг концептуал модели мавжуд эмас.

Ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш масаласи миллий тараққиёт стратегияси билан боғлиқ масала ҳисобланиб, бундан кўзланган мақсад жаҳон меҳнат бозори учун рақобатбардош миллий кадрларни тайёрлаш, жамият тараққиётини соҳавий таъминлашни миллий талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-1533-сонли қарорида:




- **Биринчи масала,** Олий таълим муассасаларининг моддий базасини замонавийлаштириш, таълимий жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда мавжуд 296 та ўқув лабораторияларини янгилаш (Олий таълим муассасалари қошида 15 янги лаборатория яратиш кўрсатилган (жумладан 2 та лаборатория Миллий университет қошида) 2011/2015 й.) белгилаб қўйилган;

- **Иккинчи масала,** Олий таълим муассасаларида етук кадрларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириб, таълим муассасаларини ахборот-ресурслари билан таъминлаб, янги таълимий йўналишлар бўйича классификаторлар тайёрлаш. Бунда меҳнат бозорида талаб бўлмаган мутахассисликларни инобатга олиб, 228 та бакалавр йўналишини 165тага, магистратура йўналишидаги 1200 та йўналишни 500 тага келтириш белгилаб қўйилган;




■ **Учинчи масала,** Олий таълим муассасаларида талабалikka қабул қилиш тизимини оптималлаштириш. Бунда, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳасининг муҳандисларини тайёрлашга урғу бериб, “Таълим”, “Иқтисод ва бизнес”, “Ҳуқуқ” каби йўналишларни қисқартириб, саноат йўналишига кўпроқ эътибор қаратиш кўрсатиб ўтилган;

■ **Тўртинчи масала,** грант асосида таълим олишни оптималлаштириш мақсадида 2010/2011 ўқув йилидаги 35% кўрсаткични 2015/2016 ўқув йилида 33%гача тушуриб, мутахассис тайёрлашда сифатга эътибор бериш кўрсатиб ўтилган;

■ **Бешинчи масала,** таълим муассасаларини янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида давлат бюджети ва таълим муассасаларининг ҳисобидан янги дарсликлар чиқариш белгилаб қўйилган; 

■ **Олтинчи масала,** таълим сифатини яхшилаш мақсадида 600та замонавий ўқув-услугий мажмуалар тайёрлаб, 19та таълим муассасаларини компютер технологиялари билан таъминлаш (100 талабага 15та компьютар) белгилаб қўйилган;

■ **Еттинчи масала,** Олий таълим муассасаларининг битирувчиларини хорижий тилни мукамал ўрганиши масаласига эътибор қаратиб, хорижий тилларни ўқитиш учун замонавий дастурлар, ўқув-услугий қўлланмалар тайёрлаш белгилаб қўйилган;

■ **Саккизинчи масала,** профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши учун ишлаб чиқилган дастурларни замонавийлаштириб, замонавий ўқув техника ва қуроллари билан таъминлаш, ўқув-услугий манбалар яратиш белгилаб қўйилган; 


■ **Тўққизинчи масала**, Олий таълим тизимида умумий ахборот-ресурс базасини яратиш, талаба-ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлашни инобатга олиб, уларнинг ахборотга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда теле-радио эшиттиришлар тайёрлашни, янги спорт тўғаракларини ташкил этиш белгилаб қўйилган ва б.

Азизлар, кўриниб турибдики, [REDACTED] **қарорда белгаланган масалалар бевосита** профессор-ўқитувчиларнинг касбий (педагогик) фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу ўз навбатида билим, ахборот, таълим бериш масаласига ижтимоий, маданий ва маърифий соҳаларда намоён бўлаётган таҳдидларни инобатга олган ҳолда ёндашишни тақозо этади. Бу, педагогик бошқарув жараёнини такомиллаштириш лозимлигини ўқтиради.

Бу масалани алоҳида кўриб чиқамиз. . . .



“Таълим ва таълим олувчининг психологик ривожланиши (камолоти) мутаносиблигини таъминлаш”;
“Билимнинг ўзлаштириш жараёнини бошқариш”;
“Таълим жараёнида назоратни амалга ошириш”;
“Ўқув фаолиятининг мотивацияси ва уни ривожлантириш”;
“Таълимнинг тарихи ва назариясини боғлиқлигини таъминлаш”;
“Ўқув фаолиятини структуравий-функционал таҳлилни амалга ошириш”;
“Ўзлуксиз ва мустақил таълимда фаолиятли ёндашувни таъминлаш”;
“Муҳим касбий сифатларини шакллантириш”;
“Ахборотни билим шаклига келтириш техникасини шакллантириш” ва б.



Фалс ф.д., психол. ф.н., проф. Самаров Р. 25.02.2015.



ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Таълимий ахборот, характери бўйича турларга бўлинади, бунда ифодаловчи воситалардан фойдаланиш нуқтаи назари бўйича ахборот қуйидаги дифференцияга эгадир, булар:

a) мимика, имо-ишора, тана аъзоларининг ҳаракатлари ёрдамида ифодаланган ахборот, товушлар ёрдамида ифодаланадиган ахборот (бунда ахборот аниқ ва мужмал товушлар - сўзлар билан ифодаланиши мумкин. Охиргиси вербал деб аталади);

b) қайд қилинган шартли белгилар ёрдамида ифодаланадиган ахборот (матн, расм, чизма, диаграмма, пентаграммалар, ҳайкал ва б.) *;

c) моддий белгилар ёрдамида ифодаланадиган ахборот (бино, меҳнат қуроллари, истеъмол предметлари ва б.).

d) барча жавоблар тўғри.

2. Технологияларнинг даражаларини белгиланг...

a) умумпедагогик; хусусий; локаль*;

b) тактик, стратегик ва умуммиллий;

c) хусусий, техник ва услубий;

d) дидактик, психологик ва хусусий.

3. Таълимий ахборотнинг асосий хоссалари, бу:

a) ахборотнинг узатувчиси (адресант, экспедиент ёки коммуникатори) ва ахборотнинг қабул қилувчиси (адресат, реципиент, ёки коммуниканти) борлиги*;

b) ахборотнинг қабул қилувчиси (адресат, реципиент, ёки коммуниканти) борлиги;

c) ахборотнинг алмашинув техникаси (мулоқот формаси, контакт) борлиги;

d) ахборотни шарҳловчиси.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1533-сонли қарори қачон қабул қилинган?

a) 2010 йилнинг 20 майида;

b) 2012 йилнинг 20 майида;

c) *2011 йилнинг 20 майида;

d) 2013 йилнинг 20 майида.

5. Модуль нечтага бўлинади:

a) Модуль учга бўлинади*;

b) Модуль тўртга бўлинади;

c) Модуль иккига бўлинади;

d) Модуль бўлинади.

6. Модулли ўқитишнинг асосий талабларини белгиланг:

a) *Аниқ мақсад асосида тузилади, вазифалари тўғри белгилаб, талабаларни ўзлаштириши, билиши ва амалда қўллай олиши лозим бўлган тушунчалар белгиланиб, материаллар дидактик мақсадга эришишни таъминлашга қаратилган, мазмунан мустақил фикрлашга ундовчи, мантиқий фикр юритиш ва амалий фаолиятга йўналтирилган, касбий-ижодий фикрлашни ривожлантириш мақсадида ўқув материали муаммоли тарзда тузилади;

b)

c) Модуль бўйича талабаларни ўзлаштириши, билиши ва амалда қўллай олиши лозим бўлган тушунчалар белгиланиб, материаллар дидактик мақсадга эришишни таъминлашга қаратилган бўлади, модуллар мазмуни мустақил фикрлашга ундовчи, мантиқий фикр юритиш ва амалий фаолиятга йўналтирилган бўлади;

d) Мантиқий фикр юритиш ва амалий фаолиятга йўналтирилган бўлади, касбий-ижодий фикрлашни ривожлантириш мақсадида модулнинг ўқув материали муаммоли тарзда тузилади;

e) Модуль аниқ мақсад асосида тузилади, мантиқий фикр юритиш ва амалий фаолиятга йўналтирилган бўлади, касбий-ижодий фикрлашни ривожлантириш мақсадида модулнинг ўқув материали муаммоли тарзда тузилади.

7. Кадрлар тайёрлаш дастурини рўёбга чиқариш босқичлари неча босқични ўз ичига олади?

a) 5 та босқични;

b) 4 та босқични;

c) *3 та босқични;

d) 2 та босқични.

8. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг?!

a) Шахс, маҳалла, оила;

b) *Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим;

c) Давлат ва жамият, маҳалла, сиёсий партиялар;

d) Узлуксиз таълим, тарбия, оила.

9. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул қилинувчи шахс камида ... йил илмий ёки илмий-педагогик иш тажрибасига эга бўлиши лозим? (Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги қарорига асосан)

a) *2 йил;

b) 2,5 йил;

c) 3 йил;

d) 3,5 йил.

10. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган?

- a) 1997 - йилнинг 29 июнида;
- b) 1997 - йилнинг 29 июлида;
- c) *1997 - йилнинг 29 августида;
- d) 1997 - йилнинг 29 сентябрида.

12. Педагогик бошқарувнинг вазифалари нималардан иборат?

- a)* педагогик фаолиятни такомиллаштиришдан иборат;
- b) ўқувчилар фаолиятини назорат қилишдан иборат;
- c) педагогик жамоанинг нуфузини оширишдан иборат;
- d) педагогик имижни оширишдан иборат.

13. Педагогик фаолиятни такомиллаштиришдан кўзланган мақсад нималардан иборат?

- a) * таълим-тарбияни замонавий фан-техника ютуқлари асосида бажаришдан иборат;
- b) жамият ҳаётини бошқаришдан иборат;
- c) таълим тарбия манбаларини аниқлашдан иборат;
- d) касбий фаолият хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

14. Педагогик фаолиятнинг манбалари нималардан иборат?

- a) * таълим-тарбия соҳасига оид бўлган илф-фан ютуқларини педагогик амалиётга жорий этишдан иборат;
- b) фалсафа ва иқтисод фанларини тадқиқот натижаларини педагогик амалиётга жорий этишдан иборат;
- c) ҳуқуқшунослик ва педагогика фанларини тадқиқот натижаларини педагогик амалиётга жорий этишдан иборат;
- d) тиббиёт ва бошқа фанлар ютуғларини педагогик амалиётга жорий этишдан иборат.

15. Педагогик жараён давомида бошқа шахсларга ҳам ҳиссий-эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилияти нима деб аталади?

- a) *эмпатия;
- b) уддабуронлик;
- c) обрўлилик;
- d) ҳамкорлик.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қачон эълон қилинди?

- a) 2011 йилнинг 24 - июнида
- b) *2012 йилнинг 24 - июлида
- c) 2013 йилнинг 24 - августида
- d) 2014 йилнинг 11 - февralида

17. Ахборот ҳақидаги таълимотларни белгиланг!

- a) аниқ ва табиий фанлар ахборот ҳақида;
- b) ахборот, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрганиш предмети;
- c) ахборот феноменини фалсафий англаш;
- d) *барча жавоблар тўғри.

18. Мустақил изланувчи, бу - ...

- a) Олий таълим даргоҳида ёки илмий тадқиқот муассасида катта илмий ходим-изланувчи лавозимида белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;
- b) Олий таълим даргоҳида ёки илмий тадқиқот муассасига катта илмий ходим-изланувчи лавозимида имтиҳонсиз қабул қилинган шахс;
- c) Олий таълим даргоҳида ёки илмий тадқиқот муассасига мустақил изланувчанликка имтиҳонсиз тартибда қабул қилинган шахс;
- d) *Олий таълим даргоҳида ёки илмий тадқиқот муассасига мустақил изланувчанликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

19. Модулли ўқитишнинг қулайликларини белгилаб беринг:

- a) *дидактик материаллар мажмуасига эга бўлган тингловчи, предметни мустақил ўзлаштириш учун катта имкониятларга эга бўлади, ўқитувчининг маъруза ўқиш вазифаси маслаҳат бериш вазифаси билан мужассамлашиб, натижада узатилаётган материалларни пассив идрок этиш ҳолати камаяди;
- b) ўқув материалларини ўзлаштирилганлигини белгилашда, яъни ҳар бир модуль тугаши билан оралиқ назорат ўтказиш нуқтаси белилаб олинади, предметни ўзлаштириш жараёни қадамба қадам осон кечади;
- c) мутахассис тайёрлашда сарфланадиган вақт ва маблағ мақсадли сарфланади, мутахассиснинг касбий лойиқлик даражаси юқори бўлиши фаолият давомида таъминланади;
- d) мутахассисга топшириладиган ҳар қандай вазифани муваффақиятли бажарилиши кафолатланади.

20. Маърузанинг асосий вазифаларини белгилаб беринг:

- a) *ахборот бериш вазифаси, йўналтириш вазифаси, шарҳ бериш вазифаси, ишонтириш вазифаси, илҳомлантириш вазифаси ва б.
- b) тарбия бериш вазифаси, йўналтириш вазифаси, ҳаёт тарзини ўрганиш тарзи ва б.
- c) рақамларни кўрсатиш вазифаси, шарҳ бериш вазифаси, ишонтириш вазифаси илҳомлантириш вазифаси ва б.
- d) касбга йўналтириш вазифаси, матнни шарҳлаш вазифаси, ишонтириш вазифаси илҳомлантириш вазифаси ва б.